



## Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари 2014 йил 1 ноябрга қадар участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодлар тавсия этади

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 21 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама қилишга ҳамда 2014 йилнинг 17 январидан республика Хукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов томонидан белгиланган берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазибаларини амалга оширишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида таркибий қайта ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий модернизациялаш, мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичлари, шу жумладан, ишлаб чиқариш, инвестициялар, экспорт ҳамда иқтисодийнинг энг муҳим тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш дастурларининг прогноз параметрларига эришишни таъминлаш, шунингдек, аҳоли бандлигини, ҳаёти даражаси сифатини узлуксиз ошириш ишларининг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Иқтисодий тарқарор ривожлантириш ва модернизациялашнинг қабул қилинган стратегиясининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли жаҳон иқтисодиёти ривожланишида жиддий таҳдидлар ва сустрелиш мавжуд эканлигига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий мутаносиблик ва иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатлари таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатнинг

ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 6,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми — 18,9 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Саноат тармоқларини жадал ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ва ички талабни мутаносиб рағбатлантириш чора-тадбирлари истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг — 11,3 фоизга, чакана товар айланмасининг — 14,2 фоизга ва пуллик хизматларнинг — 11,1 фоизга ўсишини таъминлади. Хизматлар соҳаси миллий иқтисодиёт ўсишининг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жорий йилда сув кам бўлган шароитларда деҳқонларнинг омилкорлиги ва фидокорона меҳнати, суғориш сувидан оқилона фойдаланишни таъминлаш туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштирилди ва йиғиштириб олинди. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва қишлоқ аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан яхшилаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар қишлоқдаги сифат ўзгаришларини таъминламоқда. Уй-жой қуришнинг янги қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 10830 та яқна тартибдаги уй фойдаланишга топширилди.

▶ Давоми 3-бетда.

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари, шунингдек, бандлик дастури лойиҳаси кўриб чиқилди.

## 2015 йил учун давлат бюджети лойиҳаси тасдиқланди

2

### ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

## Сайловларда муносиб иштирок этиш

бугун қай даражада бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишимизга боғлиқ

Навоий шаҳрида ЎзХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида «ЎзХДП сайловолди дастурида минтакаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир масалаларнинг ифодаланиши» — партиянинг сайлов кампаниясида муносиб иштирок этишида муҳим омилдир» мавзусида семинар ташкил этилди.

▶ Давоми 2-бетда.

Келгуси йил мамлакатимизда 987,5 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этиш, хусусан, касб-хунар коллежларининг 487 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш кўзда тутилган.

### САЙЛОВ — 2014

## Ваколатли вакиллар

сайловлар адолатли ўтишида муҳим вазифани бажаради

Дунё тажрибасидан маълумки, сайловларнинг ҳар томонлама демократик таъминлари асосида ўтиши, фуқароларнинг хоҳиш-иродаси тўлиқ рўёбга чиқиши турли омилларга боғлиқ. Амалдаги қонунчиликка асосан сайлов кампанияси даврида хилма-хил вазибаларни бажарадиган институтлар жорий қилинган. Сайловлар адолатли ўтишида уларнинг ҳар бири ўзига хос ўрин тутди. Шулардан

бири сиёсий партиянинг ваколатли вакили институтига ҳисобланади.

Хўш, бу институт қонунчилигимизда қачон жорий қилинган? Ваколатли вакилларнинг асосий вазибалари нимадан иборат? Шу каби саволлар билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқовага мурожаат этдик.

▶ Давоми 2-бетда.

## Ватанимизнинг матонатли фарзандлари



Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида давом этаётган ПараОсиё ўйинларида спортчиларимиз ҳозиргача ўн саккизта олтин, учта кумуш ва иккита бронза медалига сазовор бўлдилар.

4

## Меҳр-оқибат, мурувват

кексаларимиз кўнгилни тоғдай кўтарди

Президентимизнинг 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий кўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисидаги Фармони кенг жамоатчилик томонидан кўллаб-қувватланмоқда. Унда кўзда тутилган масалалар халқимизнинг миллий кадриятларига хос бўлган меҳроқибат, мурувват, нурунийларни қадрлаш, эъзозлаш каби бебаҳо фазилатларнинг яна бир ёрқин кўриниши экани эътироф этилмоқда.

Фарғона вилояти бўйича ўз мухбиримиз Муҳаммадхон Обидов Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Фуломжон Умрзоқовнинг фармон юзасидан билдирган дил сузларини ёзиб олди.

— Тўғриси, бу фармонни ўқиб қаттиқ ҳаяжонландим, хурсанд бўлдим. Қаранг, қанча имтиёزلар берилляпти. Соғлигимизни мустаҳкамлаш тўғрисида қайғуриляпти. Давлат идораларининг бизга эътибори янада кучайтириляпти. Фармондаги бир гапдан, айниқса, тўлқинланиб кетдим. Бизга йилда бир марта бепул тиббий кўриқдан ўтиш ҳуқуқи берилляпти. Бунинг устига ўзимизга маъқул бўлган муддат белгиланяпти.

Фармонни ўқиб хаёлга толиб қолдим. Бундан 73 йил муқаддам, яъни 1941 йилда урушга жўнаган йилларим, уруш йиллари ҳалок бўлган қурлоқларимни эсладим. Уларнинг нигоҳлари ҳеч кўз олдимдан кетмайди.

— Инсон қадр топган, эъзозланган юртда барокат, тинчлик-осойишталик бўлади, — деб давом этди у. — Ўзбекистонимиз овоз бўлган, одамнинг қадр-қиммати жойига қўйилди. Кун сайин ҳаётимиз яхшиланяпти, турмушимиз обод бўлиб бораляпти. Мана, бизнинг Фарғонани олайлик, кеча қанақа аҳволда эди, бугун қанақа!.. Бир йил олдин келган одам бугун уни таний олмайди. Кўчаларнинг кенглиги, раволигини қаранг, бу иморатларни қаранг. Тушимизга ҳам кирмаган бунақа бўлиши. Чет эллардаги уйларга ҳавасимиз келиб юрарди. Кимдир сизларда ҳам шунақа йўлар, уйлар қурилади деса, ишонмасдик. Чунки, у замонда ҳеч ким бундай бўлишига рухсат бермасди.

Тўиларни айтмайсики, тор ҳовлида ёки маҳаллардаги йўлакнинг икки чети амаллаб тўсилиб, тўйхонага айланганларди. Ҳозир қиройли тўйхоналарга бошқаларнинг ҳаваси келаяпти. Буларнинг ҳаммаси тинчлик туфайли, Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсат шарофидандир. Биз эса буларни қадрга етишимиз керак. Дунёда нималар бўлаётганини ойнаи жаҳонда кўриб туришимиз. Уруш сабабли шаҳарлар, қишлоқлар вайрон бўляпти, беғуноҳ одамлар, айниқса, қариялар, болалар нобуд бўлаётганидан қаттиқ қайғураёмиз.

Бу воқеаларни, фожиаларни кўриб, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка шукрона қиламиз. Биз қариялар ҳаётимиздан мингдан-миг розимиз. Давлатимиз ва халқимиз эътиборида, ҳурматида эканлигимизни доим ҳис этиб яшаймиш. Мана, ҳар йили 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида бизни рағбатлантириш тўғрисида фармон чиқади. Халқимиз иззат-ҳурмат кўрсатади. Ҳар доим давранинг тўрига таклиф этилади. Бундай эътибор, қадрлаш бизнинг кучимизга куч қўшади, ҳаётга иштиқимизни оширади. Бу эътибор ва ғамхўрликка жавобан фақат миннатдорчилигимизни билдириш камлик қилади, деб ўйлайман. Биз уруш кўрган, тинчлик қадрини кўпроқ билган қариялар аҳоли ўртасида, айниқса, ёшларимизга ўз маслаҳатларимизни беришимиз, уларни бу дориларимиз билан қадрлашга даъват этишимиз керак.

«Ўзбекистон ОВОЗИ» газетаси сайтыда ўқинг

ЎзХДП Марказий сайловолди штабида

иш қизгин бормоқда



www.uzbekistonovozi.uz

### ОБУНА — 2015

Жасур Ражабов, ЎзХДП Қибрай туман Кенгашининг ташкилий бўлим референти:

— «Ўзбекистон овози» газетаси бизни сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлардан батафсил хабардор қилиб келяпти. Айниқса, кўпчилиكنи қизиқтирган ижтимоий мавзулар изчил ёритилмоқда. Унинг ютуғи ва оҳанрабоси ҳам шунда.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Обуна индекси — 220



Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига асосан хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши лозим.

Газетамизнинг келгуси сонларидан бирда мазкур мезърнинг аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан танишасиз.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилаб берган устувор йўналишлар, мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб шакллантирилган.



Санжар ШОТУЛАТОНОВ олган суратлар.

Унга кўра, солиқ юкини янада камайтириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини рағбатлантириш, бюджетдан ажратилмайдиган маблағларни сарфлаш самарадорлигини ошириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳолининг даромадлар жамғариш ва харид қобилиятини кўтариш, ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов келгуси йил учун мўлжалланаётган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда бюджет лойиҳалари ҳақида атрафлича маълумот берди. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва меҳнатни рағбатлантириш мақсадида фойда солигининг базавий ставкасини 7,5 фоизгача пасайтириш таклиф этилди. Бу хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қўшимча 89,4 миллиард сўм қолдириш имконини бериши таъкидланди.

Шунингдек, иш ҳақи фонди-

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

2015 йил учун давлат бюджети лойиҳаси тасдиқланди

га солиқ юкини пасайтириш ва ишчиларга тўланаётган даромадлари легаллаштириш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар, фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини ҳозирги 25 фоиздан 15 фоизгача пасайтириш, ўртача иш ҳақидан паст ёки унга тенг миқдорда даромад олувчи жисмоний шахсларнинг даромадида солиқ юкини пасайтириш, даромаднинг биринчи гуруҳи (энг кам иш ҳақининг бир бараваригача) бўйича «0» даражали ставкани назарда тутувчи солиқ солишнинг тўрт поғонали шкаласини

зорий этиш таклифлари берилди.

2015 йилда Давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12,8 фоизни (ёки жами харажатларнинг 59,2 фоизини) ташкил этиши режалаштирилган. Келаси йил мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 8,0 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Билдирилган таклифлар ва тахлийий маълумотлар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар ва Экоҳаракат депутатлик гуруҳи ўз хулосаларини билдирди. Хусусан, Ўзбекистон Халқ

демократик партияси фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев 2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари аҳолининг фароллиги ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилганини, мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатга мувофиқ эканини қайд этди.

Таълим муассасалари битирувчилари ишга қабул қилинган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар ишчи-

ларнинг чекланган сонини 50 фоизгача кўпайтириш, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тегишли тартибда олти ой муддатга қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод қилиш кўзда тутилаётгани ЎзХДП ғоялари ва фаолиятига ҳамоҳанг эканини алоҳида таъкидлади. ЎзХДП фракцияси раҳбари айти пайтда бюджет харажатлари мақсадли ва самарали сарфланиши бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш масаласига эътибор қаратди.

Шу кунги ялпи мажлисда 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси ҳам муҳокама этилди. Ушбу дастур лойиҳасини барча сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлик гуруҳи ўз йиғилишларида қўриб чиқиб, маъқуллаган эди.

Дастур лойиҳасида келгуси йил мамлакатимизда 987,5 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этиш, хусусан, касб-хунар коллежларининг 487 минг нафар битирувчиси ҳамда хорихдан қайтаётган 400 минг нафардан ортиқ фуқарони ишга жойлаштириш чоралари кўзда тутилган.

Муҳокамалардан сўнг 2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари ҳамда 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси парламент қўйи палатаси томонидан тасдиқланди.

Ўз мухбиримиз

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Сайловларда муносиб иштирок этиш

буғун қай даражада бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишимизга боғлиқ

— Сайлов — демократия кўзгуси, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев. — Мамлакатни тараққий эттириш кўп жиҳатдан сайловларнинг қанчалик даражада демократик тамойиллар асосида ўтказилиши ҳамда унинг натижаларига боғлиқ. Барчамизга маълумки, бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ҳамда бу орқали жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Айти кунда ўз атрофига 400 мингга ақин аъзони бирлаштирган ЎзХДП дастурий ғояларини амалга оширишда катта таърибга эга. Утган йиллардаги ишлар тахлили ҳам бунга тасдиқлайди.

Хусусан, электротар маффаатларини ҳимоя қилиш мақсадида партияимиз томонидан янги иш ўринлари яратиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини ошириш, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини яхшилаш доир қўллаб ҳаётий таклиф ва ташаббусларни илгартириш.

Қайси партиянинг дастурий мақсадларида ҳаётий масалалар акс этса, одамларнинг унга ишончи ортади. Биз ана шу масалаларга устувор вазифа сифатида ёндашишимиз зарур. Албатта, ҳали олдидан қилинадиган ишларимиз жуда кўп. Масалан, ўтган давр мобайнида жойлардаги айрим депутатларимиз ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланди, дея олмайдими. Бу йилги сайловларга номзодларни фидойи, халқ дарагини яхши тушунадиган кишилардан шакллантиришимиз керак. Партияимиз тизимда ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини ҳам тубдан яхшилаш, ҳар бир мураккаб ишнинг ҳал қилишига эришимиз лозим. Бунинг учун депутатларимиз вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига электротартиб маффаатларига мос долзарб масалаларни олиб чиқиши керак.

— Биз катта имкониятларга эгамиз — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов. — Ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз керак. Фракцияимиз аъзолари томонидан илгари сурилаётган ғоялар, қонун лойиҳаларига таклифлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами маффаатини ўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, ЎзХДП ўз дастурий мақсадларини биринчи навбатда юртимизда изчил олиб борилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширмоқда. Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг бугунги босқичида амалга оширилаётган ўзгаришлар самарадорлиги кўп жиҳатдан халқнинг ушбу жараёнлар мақсад ва вазифаларини тўғри тушунишига боғлиқ. Шунинг учун

ҳам тарғибот ва ташвиқот тадбирларини мана шу масалаларга бевосита боғлаш зарур. Утган йилларда партияимиз томонидан олиб борилган сайёҳаракатлар ўзини тўлиқ оқлади, деб бемалол айта оламиз. Хусусан, бизнинг фракцияимиз ташаббуси билан парламент Қонунчилик палатасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ҳисоботи эшитилди. Мавжуд муаммолар рўй-рост айтилди. Вазирликка депутатларимизнинг таклифлари берилди. Бу, албатта, партияимиз электротарти маффаатини ҳимоя қилишида катта аҳамият касб этди. Мухим сиёсий жараёнлар олдидан турган эканми, ўтган давр мобайнида қилган ишларимизни таҳлил этиб, хулосалар чиқариб олишимиз керак.

ЎзХДП вилоят кенгашлари ҳудудларда амалга оширилаётган ишларга партияимиз гуруҳлари қандай ҳисса қўшаётганини, қанча масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларига олиб чиқилгани, улар қандай натижалар берганини сарҳисоб қилиб боришлари лозим. Чунки эртага одамлар олдидан куруқ гапдан кўра, аниқ миқдорлар келтирсак, сўзимиз тасбир кучи ошади.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайлов қонунчилиги такомиллашувини мазмунан янги босқичга олиб чиқди, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов. — Мазкур концепция бугунги глобаллашув даврида сиёсий ва иқтисодий ислохотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди. Партияимиз ҳам мазкур концепция ғояларидан келиб чиқиб, минтақаларни, айтик, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига электротартиб маффаатларига мос долзарб масалаларни олиб чиқиши керак.

— Биз катта имкониятларга эгамиз — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов. — Ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз керак. Фракцияимиз аъзолари томонидан илгари сурилаётган ғоялар, қонун лойиҳаларига таклифлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами маффаатини ўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

Амалий семинар давомида ўтган сайловлар таърибаси таҳлил этилди ҳамда уларнинг хулосалари асосида зарур тавсиялар ишлаб чиқилди, олдидан турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Тағбир

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 25 йил тўлиши муносабати билан тадбир ўтказилди.

Тил миллатнинг бебаҳо мулкидир



Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилоят партия кенгашлари фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қанотлари вакиллари, тилшунос олимлар иштирок этди.

Тадбирда мустақиллик йилларида она тилимиз янада сайқаллашгани, дунё мексидида нуфузи ошгани, тил бўйича қатор илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилаётгани ҳамда улар тилимизнинг бойиши ва мукамаллашишида муҳим манба бўлаётгани алоҳида қайд этилди.

— Мустақиллик учун курашнинг илк қадами сифатида 1989 йилнинг 21 октябрь кунини ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, — деди филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов. — Шу кундан эътиборан тилимизнинг ривожланиши йўлидаги барча суъий тўсиқлар олиб ташланди, у давлат томонидан қонун ҳимоясига олинди. Тилга маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик, олий қадрият сифатида қараш шаклланди. Тилни миллий руҳ ва миллий имкониятлар асосида илмий тадқиқ этиш ҳаракати кучайди.

— Озод Ватан, эркин халқ тушунчаларини она тилисиз тасаввур этиб бўлмайди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Гулноза Эрназарова. — «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни республикамизнинг бутун ҳудудида ўзбек тили давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди, тилимизнинг ривожланиши, унинг ҳаётимиздаги турли баҳваларга кириб боришида муҳим асос бўлди.

— Шунинг ҳам айтиш керакки, тил инсонлар орасида мулоқот воситасигина бўлиб қолмасдан, балки шу миллатнинг миллийлиги ва тараққиёти белгиси ҳамдир. Бугун жаҳонда кечяётган глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатларидан ёш авлодни асраш учун аввало уларда она тилимизга ҳурмат туйғусини янада кучайтириш зарур, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Инсон она тилида равон сўзлар экан, ўз маънавияти, маърифатини ҳам асрашга, қадрлашга куч топа олади.

Ўз тилимизни асраш эканми, эл-юртга бўлган меҳр, ҳурматимизни намоян қиламиз. Тилни нафақат асраш, унинг соғлигини сақлаб қолишга ҳар биримиз масъулмиз. Зеро, тил бор экан, миллат барҳаёт, унинг истиқболи бардавомдир.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙЛОВ — 2014

Ваколатли вакиллар сайловлар адолатли ўтишида муҳим вазифани бажаради

— Сиёсий партиянинг ваколатли вакили институтини мамлакатимизда 2008 йилда «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун орқали жорий қилинган. Унга кўра, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунларга сиёсий партиянинг ваколатли вакили институтини бундан янги меъёрлар киритилган.

Қонунларга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли.

Сиёсий партия ваколатли вакилининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 17 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган.

Ваколатли вакил сиёсий партиянинг тегишли ҳудудий органи томонидан сайлов участкалари тузилганидан сўнг тайинланади. Сиёсий партиянинг тегишли ҳудудий органи раҳбари сайлов кунидан камида ўн беш кун олдин тегишли округ сайлов комиссиясига сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхатини тақдим этади. Унда ваколатли вакилларнинг исм-шарифи, тутилган сано ва жойи, паспорт серияси ва рақами, шунингдек, улар овозларни санаб чиқишда иштирок этадиган сайлов участкаси кўрсатилиши зарур.

Округ сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхати келиб тушган пайтдан бошлаб, беш кун ичида сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхатга олади ва уларга белгиланган тартибда қўриб чиқилиши керак. Сиёсий партия ваколатли вакилининг бундай ҳуқуқларнинг берилиши сайлов жараёнининг барча иштирокчилари масъулиятини оширишга қаратилган.

— Ваколатли вакиллар қонунга риоя қилинишини ку-

намунадаги гувоҳномалар беради.

— Ваколатли вакилнинг ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида қандай белгиланган? Улар халқаро ҳуқуқ меъёрларига қай даражада мос келади?

— Инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сайлаш ҳуқуқидир. Уни амалга оширишда эркинлик, адолатчилик, ошқорлаш ва очиллик бўлиши муҳим. Шу боис қонунда сиёсий партиянинг ваколатли вакилига қатор ҳуқуқлар берилган ва улар ривожланган давлатлар қонунчилигига ҳар жиҳатдан мос келади.

Ваколатли вакил участка сайлов комиссияси овозларни санаб чиқишда иштирок этиш, фойдаланилмаган сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини санаб чиқиш ва бекор қилиш, уларни ҳақиқий эмас, деб топил натижалари билан танишиш ҳуқуқларига эга. Шунингдек, у овозларни санаб чиқиш ва баённома тузишда участка сайлов комиссияси мажлисида қатнашиши, овозларни санаб чиқиш баённомаси билан танишиши мумкин. Аҳамиятисини, ваколатли вакил такрорий овоз бериш ўтказилган тақдирда ҳам сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этади.

— Айтиллик, ваколатли вакил участка сайлов комиссиясида овозларни санаб чиқиш, унинг натижаларини қўриб чиқиш ёки баённома тузиш жараёнида қонунга қандай йўл тутиши мумкин?

— Ваколатли вакил сайлов участкасидаги жараёнларда сиёсий партия номидан иштирок этади. Шунинг учун қонунчиликда унинг шикоят қилиш ҳуқуқи қаролатилган. Яъни, ваколатли вакил участка сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари устидан юқори сайлов комиссиясига шикоят қилишга ҳақли. Бундай шикоятлар белгиланган муддат ва тартибда қўриб чиқилиши керак. Сиёсий партия ваколатли вакилининг бундай ҳуқуқларнинг берилиши сайлов жараёнининг барча иштирокчилари масъулиятини оширишга қаратилган.

— Ваколатли вакиллар қонунга риоя қилинишини ку-

затади, лозим бўлса, ўз сиёсий партияси маффаатини ҳимоя қилади. Лекин айрим ҳолларда улар билиб-билмай фуқаролар сайлаш ҳуқуқидан эркин фойдаланишига халақит бериши, сайловчига тарғибот маъносидатасир ўтказиши мумкин. Қонун ҳужжатларида бу масалалар кўзда тутилганми?

— Албатта, кўзда тутилган. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида (хонасида) ҳозир бўлиши ёки сайловчиларга қандайдир тарзда таъсир кўрсатиши мумкин эмас.

Ваколатли вакил ҳеч қандай ташвиқот билан шуғулланмайди. Яъни, у овоз бериш жараёнида бирон-бир ташвиқот материални ёки адабиёт тарқатишга, сайловчилардан улар қимни ёқлаб овоз бергани ёхуд бермоқчилигини суриштиришга ҳақли эмас.

Мисол учун, сайловчи ваколатли вакилнинг қимлигини билмай, сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдами, маслаҳатли сурайди. Бундай ҳолда ваколатли вакил қандайдир ёрдам, маслаҳат бериши тўғри бўлмайди. Чунки бу ҳаракат ташвиқот, деб талқин қилинади.

Ваколатли вакил ўз ҳуқуқлари доирасида ҳаракат қилади. Шу ўринда у участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, жумладан, сайлов кутупларини муҳрлаш, очиб, овозларни санаб чиқиш ишларига аралаштиришга ҳақли эмаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Сиёсий партия ваколатли вакилининг ваколати муддати сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг тугайди.

Ваколатли вакиллар сиёсий партиялар маффаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, яна бир муҳим вазифани бажаришда иштирок этади. Яъни, мамлакатимиздаги сайловларнинг юқори савияда, адолатли ўтиши кўп жиҳатдан уларнинг ҳушёр ҳамда масъулияти бўлишига ҳам боғлиқдир. Демак, ўз-ўзини даъво қилиш, бу масалага жиддий эътибор билан қараш зарур бўлади.

Тўлқин ТўРАХОНОВ суҳбатлашди.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан ба тафсил ахборот олиш мумкин.



СПОРТ

Ватанимизнинг матонатли фарзандлари

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, касб-ҳунар эгаллаши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Унинг эришган натижаси ҳам Осиё рекорди сифатида эътироф этилди. Мусобақа дастуридан жой олган енгил атлетика бахсларида ҳамюртларимиз янада юқори натижаларни кўрсатмоқда. Жумладан, 800 метр масофага югуриш бўйича Фахриддин Хамроев Осиё рекордини янгилади. Ушбу масофага югуриш бўйича Дамир Пашаев бронза медали билан тақдирланди. Ядро улоқтириш бахсларида Мавлонбек Хайдаров шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олди ва Осиё рекордини ўрнатди.

Бунинг натижасида сўнги йилларда паралимпиячиларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатларида, ПараОсиё ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб келаётган. Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёралик тўғрисида»ги қарори паралимпиячиларимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларга ҳар томонлама пухта тайёрланиши ва муносиб иштирок этишида муҳим омил бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Айни кунларда Инчонда қитъамизнинг қирқ икки давлатидан тўрт мингдан зиёд спортчи иштирокида ўтказилаётган ёзги ПараОсиё ўйинларида йигирма етти нафар паралимпиячи спортнинг енгил атлетика, дзюдо, сузич, ўқ отиш турлари бўйича мусобақаларда муносиб иштирок этаётганлиги ҳам фикримиз тасдиғидир.

ҚАДРИЯТ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Ҳар бир халқ ўз она тили билан тирик

Мақтабда ўқиб юрган чоғларимда ўқиш китобимдан «Она тилим ўлмайди» номли шеърни ёд олгандим. Унда нотик бир кунни дунё тиллари йўқолиб, фақат бир тил омон қолиши ҳақида хабар тарқатади. Ўртада баҳс бошланади.

Ҳамма ўз она тилида сўзлайди, шеър ўқийди ва ҳеч қайси тилдан кам эмаслигини исботлашга ҳаракат қилади. Кейин ўйлашиб, ўша нотикча шундай жавоб беришди: «Ваъзингни кўй, биродар, Сен айтганинг бўлмайди». Барча деди баробар: «Она тилим ўлмайди». Энди ўйлаб кўрсам, ҳар бир тилнинг ўз сўзловчилари, уни кўларга кўтардиган адабиёти ва ижодкорлари бор экан. Гарчи бугун дунё саҳнида муомаладан чиқиб бораётган тиллар кўпайиб бораётган бўлса-да, барибир ҳар бир халқ ўз она тили билан тирик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан мусобақа дастуридан жой олган енгил атлетика бахсларида ҳамюртларимиз янада юқори натижаларни кўрсатмоқда. Жумладан, 800 метр масофага югуриш бўйича Фахриддин Хамроев Осиё рекордини янгилади. Ушбу масофага югуриш бўйича Дамир Пашаев бронза медали билан тақдирланди. Ядро улоқтириш бахсларида Мавлонбек Хайдаров шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олди ва Осиё рекордини ўрнатди. Шунингдек, диск улоқтириш бўйича Хусниддин Норбеков 53 метр 84 сантиметр натижага қайд этиб, биринчи ўринни эгаллади, ядро улоқтиришда эса кумуш медал билан тақдирланди. 1500 метр масофага югуриш бўйича Муродиллаев ҳам маррага биринчи келди. ПараОсиё ўйинларининг дзюдо беллашувларида чинакамга шижоат ва маҳоратини намойиш этган ҳамюртларимиз яна бир бор мутахассис ва мухлислар олқишига эришди.

ЁШЛАР ТАШАББУСИ

www.en.uz инглиз тилини ўргатади

Гулистон компьютер ва акробатлаштириш касб-ҳунар коллежининг битирувчи босқич ўқувчилари сирдарёлик Муроджўжа Муродов ҳамда Муҳаммад Машрабов интернетда инглиз тилини тез ва осон ўргатиш учун сайт яратдилар. Сайтга кирсангиз, инглизча-ўзбекча луғатга, қундалик муомалада бўлган сўзларнинг инглизча таржимасига, инглизча-ўзбекча кизиқарли эртаклар, шеърлар, хикоялар, ҳикматларни ўқингиз мумкин. Ҳатто инглиз ва ўзбек тилидаги машҳур кўшиқларнинг матнлари ҳам бор. Президентимизнинг чет тилларда рини ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисидаги қарори мувофиқ таълим муассасаларининг барча бўғинларида хорижий тилларни ўргатишга катта эътибор қаратишмоқда. Сайтнинг юзига келишига мазкур қарор катта туртки берди. Чунки лойиҳа муаллифлари сайт яратишга киришган эди.

Дзюдо беллашувларида ҳамюртларимиздан Шерзод Намозов, Нурбек Бердиев, Шухрат Бобоев, Одил Тулендибоев, қизлар ўртасида Севинч Салаева ҳам ўз вазифасида барча рақибларини энг ва уларнинг галабалари шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, Ватанимиз байроғи баланд кўтарилди. Бундан ташқари Гулрух Раҳимова кумуш, Ширин Шарипов бронза медали билан тақдирландилар. Хозирча Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида жами 23 (18 олтин, 3 кумуш ва 2 бронза) та медалини қўлга киритган ҳолда қирқ икки давлат вакиллари ўртасида бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Мусобақалар 24 октябрь куни ниҳоясига етади.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

АТБ «МИКРОКРЕДИТБАНК» САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ЖУМА ФИЛИАЛИ

капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйдаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шarti билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Table with 4 columns: №, Объект номи ва жойлашган манзили, Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз, Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан, Қурилиш муддати

Қурилиш ишлари АТБ «Микрокредитбанк» Жума филиали ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Буюртмачи: АТБ «Микрокредитбанк» Жума филиали. Манзили: Пастдарғом тумани, Жума шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56-уй, телефон: (8366) 465-24-13.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйдаги нарх преференциялари эътиборга олинмади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ сум-

маси қўшимча равишда ҳисобга олинмади. Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйдаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел. 231-13-51, факс: 233-32-00. Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 80 000 (саксон миң) сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири муддати — оферталар очилиш кунини ва соатигача. Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб қиймати 30 кундан кейин, қуйдаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

Энг кучли ўн икки гроссмейстер

Тошкентда ўтказилаётган FIDE Гран-присида иштирок этмоқда

Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатида кейинги ўринда турувчи Бутунжаҳон шохмат федерацияси (FIDE) Гран-присининг иккинчи босқич баҳсларига пойтахтимиз мезбонлик қилмоқда. Мусобақанинг дастлабки босқичи ўтган ойда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида уюштирилган. Ушбу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз, жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов Ватанимиз шарафини ҳимоя қилляпти. Қуръага кўра, у биринчи турда россиялик Дмитрий Яковенко билан оқ донларда уйнади. Мазкур партия дурранг натижа билан яқунланди — 0,5:0,5.



Турнирнинг илк қутилмаган натижаси дастлабки турда қузилди. Унда Боку Гран-приси қолибларидан бири италиялик Фабиано Каруана оқ донларда франциялик Максими Ващев-Лагравга ютказиб қўйди. Биринчи турнинг қолган жуфтликларида қуйдаги натижалар қайд қилинди: Теймур Ражабов (Озарбайжон) — Сергей Карякин (Россия) — 0,5:0,5, Шахрияр Мамадияров (Озарбайжон) — Дмитрий Андрейкин (Россия) — 0:1, Аниш Гири (Голландия) — Борис Гельфанд (Исроил) — 0,5:0,5, Хикару Накамура (АҚШ) — Баадур Жобава (Грузия) — 1:0. Кеча иккинчи тур баҳслари ўтказилди. Унда Максим Ващев-Лаграв — Рустам Қосимжонов, Борис Гельфанд — Сергей Карякин, Дмитрий Яковенко — Теймур Ражабов, Баадур Жобава — Фабиано Каруана, Дмитрий Андрейкин — Хикару Накамура, Аниш Гири — Шахрияр Мамадияров жуфтликлари ўзаро донна сурдилар.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎзДЖТУ талабаси.

ОБ-ҲАВО 23-24.10 — 2014

Table with weather forecasts for various regions: Юртимиз бўйлаб (°C), Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти, Бухоро ва Навоий вилоятлари, Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари, Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари, Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳри.



Дунё бўйлаб (°C)

Table with global weather forecasts: Лондон, Париж, Москва, Мадрид, Пекин, Канберра, Рим, Афина, Токио, Стокгольм, Кейптаун, Қоҳира, Гавана, Вашингтон.

MUASSIS: XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZI KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. TAHIR HAY'ATI: Abdulla Oripov, Ulug'bek Mustafoyev, Saidahmad Rahimov, Hotamjon Ketmonov, Mustahfidin, Farrux Hamroyev, Ulug'bek Vafoyev, Muxliddin, (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Rustam Kamilov, Muxiddinov, Tat'yana Kistanova, Sharbat Abdullayeva, Ochilboy Ramatov, (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45. Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 1059 11315 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 20.55 Topshirilgan vaqti — 21.50. Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Temur XUDYBERDIYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV. ISSN 2010-7633. 1 2 3 4 5